



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ



“ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИНИНГ ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ”

мавзусидаги анъанавий **XXI** - ёши
олимлар, магистрантлар ва
иқтидорли талабаларнинг илмий
- амалий анжумани

21

*XXI - traditional Republic
scientific - practical conference of
young scientists, master students
and talented students under the
topic*
**“THE MODERN PROBLEMS OF
AGRICULTURE AND WATER
RESOURCES”**

МАҚОЛАЛАР ТҮПЛАМИ

Тошкент-2022 йил, 12-13 май

	“ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот университети		
32.	Razaqova Yodgora Xudoyorovna “ТИҚХММИ”МТУ 1- курс магистранти	Кластер фаолиятини бошқаришнинг иқтисодий усулларини такомиллаштириш	1768
33.	Тошева Мафтуна Рустамовна.“ТИҚХММИ” миллий тадқиқот университети магистри	Сув хўжалиги объектларининг модернизация қилишда ресурс тежамкор технологияларни қўллашдаги мавжуд муаммолар	1772
34.	Тошева Мафтуна Рустамовна.“ТИҚХММИ” миллий тадқиқот университети магистри	Сув хўжалиги объектлари бошқарувини модернизация қилишининг аҳамияти	1776
35.	Berdimurodov Akmaljon Azamat o'g'li “TIQXMMI” Milliy tadqiqot universiteti ikkinchi bosqich tayanch doktoranti	Qishloq xo'jaligida innovatsiyalarni joriy etish va innovatsiyalarning samaradorligini baholash	1779
36.	Berdimurodov Akmaljon Azamat o'g'li “TIQXMMI” Milliy tadqiqot universiteti ikkinchi bosqich tayanch doktoranti	O'zbekiston respublikasi qishloq va suv xo'jaligi tarmog'iga innovatsiyalarni joriy etishda xorijiy tajribalarning ahamiyati	1786
37.	Холикулов Мухаммад Абдурасул ўғли. таянч докторант Илмий раҳбар: PhD, доцент Ш.Муродов. “ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот университети	Мева-сабзавотчилик соҳасининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ҳамда ривожлантиришнинг назарий ва амалий асослари	1791
38.	М.М.Яхяев , доктарант “ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот университети	Яйлов чорвачилигини ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари	1795

IX – ШЎЬБА

Қишлоқ ва сув хўжалиги масалаларида математик моделлаштириш усуллари ва ахборот технологияларини қўллаш.

Раис: доц. Абдуллаев З.

Ҳамраис: проф. Шадманова Г.

ЯЙЛОВ ЧОРВАЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

М.М. Яхяев – “ТИҚҲММИ” МТУ докторантни

Аннотация:

Мазкур мақолада яйлов чорвачилигининг иқтисодий самарадолигини баҳолашнинг бир неча усуллари оркали такомиллаштиришдан иборат. Яйловлар таркиби ва яйлов чорвачилигига қоракўлчилик тармогининг ўрни ва самарадорлиги таҳлил этилган ҳолда ривожлантириш юзасидан таклифлар тайёрланган.

Калит сўзлар: иқлим ўзгариши, яйлов чорвачилиги, шартли чорва мол боши, яйлов худудлари, қоракўлчилик, яйловларнинг озуқа базаси.

Бугунги кунда яйловлардан фойдаланган ҳолда чорвачилик маҳсулотларини етишириётган хўжаликларнинг фаолияти самарадорлигини аниқлаш долзарб масала ҳисобланиб, у чорвачиликнинг бошқа йўналишларига нисбатан ўзига хос мураккабликларга эга. Шу сабабли яйлов чорвачилигига самарадорликни аниқлашнинг илмий жиҳатларини тадқиқ этиш зарурият аграр иқтисодиёт илмининг асосий масалаларидан бири ҳисобланади. Яйлов чорвачилигининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш маҳсулот етиширишни комплекс баҳолаш, яйлов ҳуддуларида ишлаб чиқаришни ташкил этишга оид қарорларни қабул қилиш, аграр ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини тадқиқ этиш соҳа мутахассислари олдида катта қизиқиш уйготмоқда.

Иқтисодчи олимларимиздан А.Ўлмасов ва А.Ваҳобовларнинг фикрича самарадорлик – ресурс сарфлари билан ишлаб чиқаришдан олинган натижани таққослашни билдиради, яъни нима сарфлаб нимага эришилганлигини кўрсатади. Самарадорлик (S) аниқланганда яратилган маҳсулотлар ва хизматлар қиймати (M) билан ресурсларнинг сарфи (R) таққосланади.

$$S = \frac{M_q}{R_s} \quad \text{RESEARCH UNIVERSITY}$$

Ш.Ш. Шодмонов ва Б.Э. Мамараҳимов ларнинг фикрига кўра, фойда олиш мақсадидан келиб чиқсан ҳолда олинган фойда (F) ишлаб чиқаришга сарфланган ресурс харажатларига (IX) бўлинганлигига teng. Яъни,

$$P = F / IX * 100$$

Р.Хусанов, Д.Ю.Дадабоев, Т.Ю.Дадабоевларнинг фикрига кўра, “Самара – қишлоқ хўжалигига ўтказилган у ёки бу тадбирларнинг оқибати, натижасидир. Иқтисодий самарадорлик – ишлаб чиқариш воситаларининг ва жонли меҳнатнинг қўлланилишидан олинган якуний фойдали самарани, жами сармоялардан эришилган натижани кўрсатишидир”²⁵.

Сўнгги йилларда республикамизда ерлардан оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этиш, ер муносабатларини тартиба солиш, ерлардан фойдаланишда давлат назоратини кучайтириш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди²⁶. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 19 август 2019 йилдаги

²⁵ <https://e-journal.uz/2020/06/08>

²⁶ Шу манба

“Яйловларда чорва молларини ўтлатишда энг кўп йўл қўйиладиган фойдаланиш нормаларини белгилаш, яйловлар алмашинишини таъминлаш ва юритиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 689-сонли қарори билан “Яйловларда чорва молларини ўтлатишда энг кўп йўл қўйиладиган фойдаланиш нормаларини белгилаш, яйловлар алмашинишини таъминлаш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом” тасдиқланган бўлиб, унда маълум бир яйлов участкасида шартли чорва мол бошига нисбатан чорва молларини ўтлатишнинг энг кўп йўл қўйиладиган нормасини аниқлаш услуги келтирилган.

Унга кўра, яйловларнинг маълум бир участкасида чорва молларини ўтлатишнинг энг кўп йўл қўйиладиган фойдаланиш нормалари яйлов ўсимликларининг ҳосилдорлиги ва чорва молларини озиқлантириш имкониятларига қараб қуидаги формула билан ҳисоблаб чиқилади:

$$P_{\text{ЭН}} = \frac{0_3 \cdot 0.85}{\bar{Y}_m}, \text{ бунда}$$

РЭН - маълум бир яйлов участкасида шартли чорва мол бошига нисбатан чорва молларини ўтлатишнинг энг кўп йўл қўйиладиган нормаси;

Оз - яйловларни тақсимлаш муддатларини ҳисобга олган ҳолда маълум бир яйлов участкасининг центнер ҳисобидаги озуқа захираси яйловлардан фойдаланиш давомийлигининг календарь муддатидан келиб чиқиб, мазкур участкадаги яйлов ўсимликларининг ҳосилдорлигини унинг майдонига кўпайтириш орқали олинади;

Йўм - битта шартли бош молни ўтлатиш учун кетадиган яйлов озуқасининг ўртacha ийллик меъёри 3,74 центнер озуқа бирлигини ташкил килади;

0,85 - яйлов озуқаси захирасини ҳисобга олиш фоизи, 15 фоиз об-ҳаво шароитлари ёмонлашган тақдирда сугурта жамгармаси сифатида колдирилади²⁷.

Аммо, юқорида таъкидланганидек яйловларда чорва молларини парваришлашда шаклланган амалиётга кўра озуқа бирлиги, ҳосилдорлик, сугурта жамгармаси каби кўрсаткичлар ҳал этувчи таъсир кўрсатмайди. Яйлов чорвачилигига асосий масала яйловларда чорва молларини саклаб туришга асосланиб қолган. Шунинг учун яйлов озуқаси захирасини ҳисобга олишда нафакат об-ҳаво шароитлари ёмонлаши балки об-ҳаво қулай келганда фойдаланиш давомийлигининг ортиб боришини ҳам эътиборга олиб лозим.

Шу боис яйлов чорвачилигига шартли чорва мол бошига нисбатан чорва молларини ўтлатишнинг энг кўп йўл қўйиладиган нормасини ҳисоблашда озуқа захирасини ҳисобга олиш фоизини такомиллаштириш талаб этилмоқда. Бунинг учун яйлов типи ва ундан фойдаланиш давомийлигини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Маълум бир худудда яйловлардан фойдаланиш давомийлигини сўровнома ёки эксперт баҳолаш асосида аниқланади ва коэффициентлари ҳисоблаб топилади хамда у йил мавсумлари ўртаси тақсимланади. Жумладан:

$$K_{\text{оз}} = \frac{\Phi_k}{\bar{Y}_k}$$

Бунда: Коз - озуқа захирасини ҳисобга олиш фоизини аниқлаш коэффициенти;

Фк – йил давомида яйловлардан жами фойдаланиладиган кунлар сони;

Ўўқ – ўртача ўсимлик қоплами мавжуд бўладиган кунлар сони.

²⁷ <https://lex.uz/docs/4477902#4481917>

Бу ҳолатда яйловларнинг маълум бир участкасида чорва молларини ўтлатишнинг энг кўп йўл қўйиладиган фойдаланиш нормаларини аниқлаш услуби қўйидаги кўриниш касб этади. Хусусан:

$$P_{\text{ЭН}} = \frac{Oz * Koz1 (\text{Koz2})}{\text{Йўм}}$$

Турли типдаги яйловларда олиб борилган монографик тадқиқотлар давомида яйлов озуқаси захирасини ҳисобга олиш коэффициентлари йил мавсумлари ўртасида қўйидаги нисбатда бўлиши таклиф этилади. Бунда йиллик ўртача коэффициент мавсумлар ўртасида яйлов типи асосида тақсимлаб чиқилган (1.3-жадвал).

1.3-жадвал

Яйлов типидан келиб чиққан ҳолда чорва моллари учун яйлов озуқаси захирасини ҳисобга олиш коэффициентлари²⁸

Яйлов типи	Қиши	Бахор	Ёз	Куз	Йиллик ўртача (Коз1)	Йиллик энг кўп фойдаланиш мавсусидан келиб чиққан ҳолда (Коз2)
Эфемер ва эфемероидли яйлов	0,15	0,30	0,5	0,2	0,37	0,40
Бута-барра ўтли яйловлар	0,10	0,25	0,40	0,15	0,22	0,26
Шўра ўтли яйлов	0,35	0,35	0,45	0,25	0,35	0,35

Шунингдек, яйлов типларига аҳамият қаратадиган бўлсак, эфемер ва эфемероидли яйлов ҳамда бута-барра ўтли яйловлар тог ва тог олди ҳуддаларида кенг тарқалганигини эътиборга олган ҳолда ушбу ҳудудлардаги чорва моллари таркибида йирик шохли моллар салмоги юқори бўлишини кузатишимииз мумкин.

Бу эса, юқоридаги услугга кўра ҳисобланганда битта шартли бош молни ўтлатиш учун кетадиган яйлов озуқасининг ўртача йиллик меъёри бироз мунозарали кўринади. Бизнингча ушбу меъёрни ҳам яйлов типидан келиб чиққан ҳолда табақалаштириш мақсадга мувофиқ. Унда йиллик ўртача меъёрий озуқа бирлигини қўйидаги коэффициентларга кўпайтириш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. H. Steinfeld is Senior Officer (Programme, Policy & Planning) and J. Mäki-Hokkonen is Senior Officer (Livestock Production Systems), Animal Production and Health Division, FAO, Rome, Italy. <http://www.fao.org/3/v8180t/v8180t0v.htm>

2. E-JOURNAL.UZ Электронный научный журнал.
3. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz/>
4. Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитасининг маълумотлари.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида пиллачилик ва қоракўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6059-сонли Фармони
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 августдаги “Коракўлчилик тармогини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4420-сонли карори
7. Юсупов С. Ю., Муқимов Т. Х. и др. Рекомендации по управлению пастбищным животноводством, Ташкент, 2007 – 24 с.

²⁸ Монографик тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган